

ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.



Учрашувда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларни давом эттириш ва натижадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Маслаҳатчи Чакрабарти Ўзбекистон етакчили раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг

қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини, шу жумладан, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш, жамият ҳаётининг барча соҳасини трансформация қилиш ва рақамлаштириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кадрларнинг янги авлодини

тайёрлаш борасидаги ўзгаришларни юксак баҳолади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқишга Ўзбекистонда бошланган ҳамда демократик принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўла мос ҳолда, конституциявий қурилишнинг илғор миллий ва халқаро

тажрибаси асосида амалга оширилаётган Конституция ислохоти хизмат қилиши таъкидланди.

Сума Чакрабарти бундан буён ҳам янги ўсиш нуқталарини топиш ва рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Ҳукуматиға кўмаклашишға бор савий-ҳаракатини йўналтиришға тайёрлигини билдирди.

Эслатиб ўтамиз, Сума Чакрабарти Ўзбекистон

Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинланишидан аввал саккиз йил давомида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти лавозимида фаолият юритган.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА КУН ТАРТИБИНING ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистонда қонунга зид хатти-ҳаракатларга чек қўйиш, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича қўрилган қатъий чоратadbирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, шу жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, логистика, маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш соҳаларида кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш нуктаи назаридан кўп томонлама ва минтақавий ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БЎЛАЖАК САММИТГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ БОРИШНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Қирғизистон дўстлик, яхши кўшнчилик ва стратегик шериклик муносабатларининг кенг қўламли кун тартибидagi долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Президент Садир Жапаров Қорақалпоғистондаги вазиятни беқарорлаштиришға уринишларға чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон раҳбари томонидан қўрилган қатъий чораларни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Бошқа давлатнинг ички ишларига аралашишға йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари бўлажак олий даражадаги икки ва кўп томонлама учра-

шувлар режасини, шу жумладан, Чўпонота шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё мамлакатлари саммитига тайёргарлик масалаларини кўриб чиқдилар.

Яқин орада муҳим йўналишлардаги келишувларни илгари суришға қаратилган қатор қўшма тadbирларни ўтказишға келишиб олинди.

Томонлар минтақавий транспорт йўлақлари ва энергетика инфрақурилишини ривожлантириш борасидаги йирик инфрақурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишни жадаллаштиришдан манфаатдор эканини таъкидладилар.

ЎзА.

ЕВРОПА КЕНГАШИ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛЕНИШЛАР ДАСТУРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистонда ортга қайтмас демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиленишларни амалга оширишға кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Еврокенгаш Президенти, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш сари очиқ ислохотлар йўлини давом эттириш борасидаги савий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Шу маънода, Қорақалпоғистондаги вазиятнинг баъзи бузғунчи кучлар томонидан издан чиқарилишига

йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилди. Шарль Мишель жиноий унсурлар томонидан уюштирилган тартибсизликлар натижасида қурбон бўлганларнинг оилалари ва яқинларига ҳамдардлик сўзларини етказишни сўради.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг тайёрланишини яқунига етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

“Преференциялар бош тизими плюс” афзалликларидан фойдаланган ҳолда ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Томонлар амалий ҳамкорлиқнинг аниқ дастур ва лойиҳаларини, энг аввало, “яшил иқтисодиёт”, рақам-

лаштириш, инновациялар, логистика, қишлоқ хўжалиги, экология, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида илгари суриш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Марказий Осиё минтақасида юзага келадиган вазият ҳамда ЕИ тузилмалари билан кўп томонлама мулоқотнинг даражасини янада юксалтириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шу жумладан, Афғонистонда мустаҳкам тинчлик қарор топишға кўмаклашиш ва унинг халқига қўлдан келганча ёрдам кўрсатишға қаратилган йирик халқаро тadbирларни мамлакатимизда ташкил этиш масаласи қўллаб-қувватланди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари жорий йил июнь ойида Тошкент шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашув якунида эришилган келишувлар ижросининг боришини кўриб чиқдилар.

Суҳбат аввалида Тожикистон Президенти давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасида барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича савий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Дўстлик, яхши кўшнчилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо, транспорт ва саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида йўловчи поездлари катнови йўлга қўйилгани, Зарафшон дарёсида Яван ГЭСи қурилиши лойиҳаси бўйича амалий ишлар бошлангани мамнуният билан қайд этилди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси билан боғлиқ масалани кўриб чиқди.

Халқ вакилларининг таъкидлашича, мамлакатимизда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган туб ислохотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маонни яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

“Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2022 йил 24 июндаги қарорига мувофиқ “Ўзбекистон Респуб-

ликсининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонун лойиҳаси 2022 йилнинг 25 июндан 5 июлига қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Конституциявий қонун лойиҳаси “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида ҳамда “meningkonstitutsiyam.uz” электрон платформасида эълон қилинди.

➡ 2

Дунё нигоҳи



тузилмани замонавий халқаро муносабатлар тизимида сифат жиҳатидан янги стратегик платформага айлантиришда муҳим ўрин тутмоқда

Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида бўлиб ўтаётган учрашувлар, мулоқотлар, тadbирлар ўзининг сермахсуллиги, икки ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришға хизмат қиладиган прагматик тактифлар илгари сурилаётгани билан муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шу муносабат билан хорижий эксперт ҳамда таҳлилий доиралар вакилларининг ШХТнинг замонавий ривожланиши ва унда Ўзбекистоннинг тутган ўрни ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизға ҳавола этамиз.

➡ 3

ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

◀1

Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамаси мамлакатимизнинг барча ҳудудда қизгин ташкил этилмоқда. Парламент аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан ҳудудларда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда 120 минг нафар фуқаро иштирокида ўтказилган 2 мингдан зиёд учрашувларда конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ишлари олиб борилди. Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жараёнлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб берилмоқда.

Бугунги кунга қадар Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан аҳоли ва фуқаролик жамияти институтларидан жами 57 мингдан зиёд тақлифлар келиб тушган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, умумхалқ муҳокамасининг дастлабки кунларида Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан келиб тушган тақлифлар кунига 700 га яқинни ташкил



этган бўлса, ҳозирги вақтга келиб, уларнинг сони кунига 10 мингга етмоқда.

Ушбу рақамлар умумхалқ муҳокамаси аҳолининг мазкур сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ошиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга қизиқиши тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Аҳоли ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазаларда мамлакатимизда конституциявий ислохотлар ўз вақтида бўлаётганилиги таъкидланиб, Президентимизнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда илгари сурган тақлифлари ва ғоялари кенг жамоатчи-

лик томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришда фуқароларнинг фаоллиги ортиб бораётганлиги, келиб тушаётган тақлифлар сони тобора ошаётганлиги умумхалқ муҳокамаси муддатини узайтириш заруратини юзага келтирмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасининг муддатини 2022 йил 15 июлгача узайтириш ҳақида қарор қабул қилди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича Қорақалпоғистон аҳолиси билан келиб тушаётган тақлиф ва мулоҳазалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Қорақалпоғистон Республи-

каси Жўқорғи Кенгеси депутатлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда билдирилган тақлифларни инобатга олишни зарур деб топди.

Яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70, 71, 72, 74 ва 75-моддалари ўзгаришсиз қолдирилиб, амалдаги нормаларни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарига Конституциявий комиссия билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилди.

Мажлисида Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятини аҳоли ва кенг жамоатчилик орасида тушунтиришга доир тадбирларни уюштириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида

ҲУКУМАТГА ЮБОРИЛГАН ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, қўмитанинг экспертлар кенгаши аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ҳомиладор ва репродуктив ёшдаги аёллар ҳамда гудакларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ҳукуматнинг парламент сўровига юборган жавобига кўра, 2021 йил давомида репродуктив ёшдаги аёллар орасида касалланишни камайтиришга қаратилган салмоқли ишлар бажарилган. Хусусан, 8,9 миллиондан зиёд туғиш ёшидаги аёлларнинг 8,8 миллион нафари тиббий кўрикдан ўтказилган. Уларнинг 3,9 миллион нафарида экстрагенитал касалликлар аниқланган бўлиб, шундан 3,2 миллион нафари амбулатор, 300,6 минг нафари стационар шароитда соғломлаштирилган.

Утган йили туман марказларидан узокда жойлашган тоғли, чўл ва боғиш қийин бўлган қишлоқларда “Кўчма врачлик бригадалари” ёрдамда туғиш ёшидаги 658,5 минг аёл тиббий кўрикдан ўтказилган ҳамда 275,6 минг нафарида турли касалликлар аниқланган. Мухими, ушбу аёлларнинг 93,7 фоизи соғломлаштирилган.

Ўз навбатида, парламент сўровида кўрсатилган 2019 — 2023 йилларда репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва қўламини кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури ихроси нозорат олинган ҳамда кечикаётган қатор вазифаларни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, тадбирда Давлат бюджетининг 2021 йил якунлари бўйича ихроси тўғрисидаги ҳисобот ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йил биринчи қорағидаги ихроси тўғрисидаги ҳисобот таҳлилдан ўтказилди.

Мажлисида муҳокама қилинган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ишчи гуруҳ йиғилиши

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масалалари юзасидан ташкил этилган ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда блогерлар қатнашди.

Тадбир давомида хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоялашга доир қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича асосланган тақлифлар ўртага ташланди. Жумладан, ЮНИСЕФнинг Болалар ҳимояси дастури раҳбари Антония Людеке ҳам ўз тақлифларини билдирди.

Муҳокамадан жараёнида билдирилган тақлифлар ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқиладиган бўлди.

«Халқ сўзи».

Эътироф

Кренди ТАН, UCSI университети ижтимоий-гуманитар фанлар факультети декани (Малайзия):

— Ҳар бир давлат ўз тараққиётининг муайян босқичида мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг қонунчилик асосларини таъминлаш учун мавжуд воқеаликни ҳисобга олган ҳолда конституциявий ислохотларни амалга ошириши лозим.

Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини фаол қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарлидир. Мамлакат Конституциясига ҳар бир фуқарога муносиб турмуш ва меҳнат шароити яратиш бўйича режалаштирилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам шундан далолат беради.

Ишончим комилки, конституциявий ислохот жараёни сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларни изчил давом эттиришга хизмат қилмоқда.

Хосе Луис БАРСЕЛО, “El Mundo Financiero” ахборот агентлиги бош муҳаррири (Испания):

— Айни кунлар Ўзбекистон тарихида жуда муҳим давр ҳисобланади. Республика мустақилликка эришгандан 30 йилдан кейин Президент Шавкат Мирзиёев тақлиф этган конституциявий ислохотлар жуда зарур эди, деб ҳисоблайман.

Менимча амалдаги Конституциянинг қайта кўриб чиқиш ва уни мамлакатнинг жуда тез ривожланиши, аҳолининг кўпайиши, хавфсизлик сиёсати, соғлиқни

сақлаш, маданият, иқтисодиёт ва бизнес соҳасидаги ижтимоий тараққиёт туфайли юзага келган ҳозирги воқеалик ҳамда эҳтиёжларга мослаштириш учун етарли вақт ўтди. 1992 йилда Марказий Осиёнинг барча республикалари ўз Конституцияларини оғир бир тарихий шароитда қабул қилган. Ҳозир эса Ўзбекистон мустақил ва кучли давлат эканлигини ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистон — дадил ўсиб бораётган ва ўз Конституциясини такомиллаштириш керак бўлган мамлакат. Ўлайманки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг конституциявий ислохотларни амалга ошириш бўйича тақлиф жуда тўғри ва ўз вақтида бўлди. Конституциявий лойиҳа шериклар, дўстлар ва қўшни давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш, ташқи сиёсатда ишончли ўсиш ҳамда фуқаролар учун зарур бўлган бошқа қўллаб-қувватлаш бўйича қатъий мажбурият сифатида кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ҳар доим ўз фуқароларини ҳимоя қилиш муҳимлигини таъкидлаш ҳам ҳақиқат ва бу Асосий Қонунга киритилиши тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда ҳам ақс этмоқда.

Карим ПАКЗАД, Франция халқаро ва стратегик муносабатлар институти эксперти:

— Ўзбекистон стратегик жиҳатдан муҳим минтақада жойлашган бўлиб, Марказий Осиёдаги энг йirik давлат ҳисобланади. Сўнгги йилларда республика раҳбарияти минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, шунингдек, мамла-

катдаги ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни ривожлантиришга қаратилган муҳим ислохотларни амалга оширди.

Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар мамлакатдаги демократик ўзгаришларнинг асосидир. Ўзбекистон Бош қомусига киритиш тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг асосий қисми хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларига дахлдордир.

Мен экологик, инсон ҳуқуқлари, ҳозирги ва келажак авлодларнинг қулай муҳитга бўлган ҳуқуқлари бўйича илгари сурилган ташаббуслар дунёдаги глобал ислохотларнинг қисми бўлиши шартини асосий қисми ҳисоблайман.

Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига тақдим этилиши, шунингдек, тақлиф этилаётган ислохотлар юзасидан халқнинг фикрларини инобатга олиш имконини берадиган референдум ўтказилишини олқишлайман.

Ари КАГАН, Нью-Йорк шаҳар кенгашининг депутати:

— Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларнинг боришини катта қизиқиш билан кузатмоқдамиз. Асосий Қонунга киритиш тақлиф этилаётган ўзгартишлар инсон қадри таъминлиги асосланганини ақлол қўриш мумкин.

ЁШЛАР — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Ёшлар — келажак бунёдкорлари. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда улар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Натижада, юртимиз бўйлаб маҳаллаларда 9,5 минг ёшлар етакчиси ўз фаолиятини бошлади. Қолаверса, йигит-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш устувор йўналишга айланди. Сўнгги икки йилда 174 минг нафар навқирон авлод вакилининг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

Акс садо

Давлатимиз раҳбарининг Ёшлар кунига бағишланган маросимдаги нутқи, эртанги кўнимиз эгалари билан дилдан, самимий мулоқоти барча ўғил-қизларга мотивация берди, уларнинг келажакка ва ўзига бўлган ишончини яна бир қарра оширди, десак, муболага бўлмайди. Чунки мазкур дастуриалам нутқда ҳеч бир жижат эътибордан четда қолмади.

Президентимиз ёшларни руҳлантириб, уларни аждодларимизга муносиб авлод бўлишга, илм-фан чўққиларини забт этиб, билим ва салоҳиятини юртимиз тараққиёти йўлида сафарбар қилишга ундамоқда, Ўзбекистонимиз тез фурсатларда дунёнинг ривожланган давлатлари сафидан ўрин эгаллашини чин дилдан истамокда. Бу йўлда уларга нима керак бўлса, қандай шарт-шароит ва имкониятлар зарур бўлса, зиёди билан муҳайё қилиб берилиши таъкидланди.

Агар ушбу масала атрофида чуқурроқ

фикр юритадиган бўлсак, ўтган йиллар давомида ёшлар сиёсати билан боғлиқ жуда катта ишлар қилинди. Хусусан, халқ вакили сифатида шуни айтишим мумкинки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этилгани, ёш парламентарийлар ўзлари истикомат қиладиган ҳудуддаги тенгдошларига тегишли муаммоларни ўрганиб, сабабларни аниқлаш, долзарб масалаларни кўпчилик бўлиб муҳокамадан ўтказиш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун ижодкорлигида ёшларнинг иштирокини таъминлаш, бўлгуси парламент аъзолари ҳамда сиёсатчиларни тайёрлаш, ўғил-қизларни улкан мақсад ва аниқ лойиҳаларга йўналтириб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агар таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳақида гапирадиган бўлсак, соҳада мутлақо янги тизим — Президент ва ижод мактаблари, мате-

матика, кимё, биология фанлари бўйича махсус мактаблар очилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Мисол учун ўтган ўғил йилида биргина Президент мактабларини битирган 424 нафар ўғил-қизнинг барчаси олий ўқув юртиларига қабул қилинди. Уларнинг 102 нафар ёки 24 фоизи хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида ўқийётгани таъсирга сазовор.

Умуман олганда, таълимнинг уч босқичи — боғча, мактаб ва олий таълим тизими бир муштаро айланди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда барчасига бирдек шарт-шароит яратишга давлат сиёсати даража-сида эътибор қаратилмоқда. Мақсад сифатли, етук ва ҳар соҳада дунё ёшлари билан беллаша оладиган, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўладиган авлодни тарбиялашдир.

Дунё тамаддуни бугун шундай босқичга келдики, ҳаётимизни IT-технологиялар тобора кенгроқ қамраб олмақда. Лунда айтганда, ҳар бир мамлакат раванқ-замонавий технологияларга боғлиқ бўлиб қолаётди. Бу эса ушбу технологияларни бошқаришга қодир билимли авлодни тарбиялашнинг кун тартибидagi энг муҳим масала сифатида қўймоқда.

Шундан келиб чиқиб Президентимиз айна масалага алоҳида эътибор қаратиб, бу борадаги муҳим вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, хусусий таълим

муассасаларида IT-технологиялар бўйича ўқим (дастурлаш, веб-дизайн, анимация) истагини билдирган ўсмирларга 20 миллион сўмча микдорда 4 йиллик имтиёзли кредит тақдим этиладиган бўлди. Бу эса соҳага қизиқадиганларни ўз устида янада кўпроқ ишлашга олиб келади.

Ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир муҳим ташаббус — техникумларга қабул йилда икки марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони 2 баробар ошириладиган бўлди. Шунингдек, техникумлар учун таълим кредити жорий қилинади ва 80 мингдан зиёд ёшларга кредит бериш учун молиявий ресурс ажратилди.

Бундан ташқари, эндиликда ҳар йили олийгоҳларнинг сиртки бўлимига ўқишга қабул қилинган 500 нафар энг фаол ёшлар етакчиларининг шартнома тўловлари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тўлаб берилади. Шунингдек, “Ёш раҳбар кадрлар захираси” шакллантирилиб, унинг 30 фоизи ёшлар етакчилари ҳисобидан тўлдирилади.

Ишончимиз комилки, йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар истеъдод ва салоҳиятини тўла намоён қилиши учун белгилаб берилган бу вазифалар, албатта, ўз мевасини беради.

Шахноза ХОЛМАҲАМТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БИРДАМЛИГИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛАДИ

Бундан уч-тўрт йил олдин қорақалпоқ қардошларимизнинг ҳаёт тарзини янада яхшилаш мақсадида амалга оширилган эзгу сазий-ҳаракатлар жараёнида Оролбўйи аҳолиси, айниқса, аёллари билан кўп маротаба учрашиш ва суҳбатлашишга тўғри келган эди. Хали-ҳамон ўша суҳбатлар, энг муҳими, одамларнинг юзлари тафти эсимда.

Муносабат

Ганнинг очиги, ўша кезларда бу танти, мард, самимий халққа меҳрим тушган эди. Илдиэлари бир бўлган ўзбегу қорақалпоқ бирдамлигига, икки томи суведек ўшашигига ўша кезларда кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида Қорақалпоғистонда анча аввал бошланган кенг қўламли ислохотлар халқнинг ҳаёт тарзини ўзгартирди, минглаб оилаларга фаровонлик олиб кирмоқда. Оролбўйида яна ҳаёт қайнай бошлади.

Таъкидлаш жоизки, охириги беш йилда аҳоли жон бошига умумий даромадлар 3,5 баробар ошгани бунинг яққол тасдиқидир. Бунчи шунчаки рақамлар деб эмас, балки унинг замирида беш йиллик машаққатли ва шарафли меҳнат этганлигини ўзимизга тасаввур этсак, мазкур ҳудудда рўйбга чиқарилган эзгу ишлар қўламини янада теранроқ англаймиз.

Гулнора МАЪРУФОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги

тузилмани замонавий халқаро муносабатлар тизимида сифат жиҳатидан янги стратегик платформага айлантиришда муҳим ўрин тутмоқда

◀1

Дан ХАО,
Хитой халқаро тадқиқотлар институти
қошидаги ШХТ тадқиқот маркази
бош котиби (Хитой):

— ШХТ фаолиятини ўз раислиги доирасида ташкилотга аъзо давлатларнинг деярли барча вазирлик ва идораларини жалб этган ҳолда йирик тадбирларни ўтказиш бўйича фаол иш олиб бораётган Ўзбекистон иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон томони бу вазифани аъло даражада бажармоқда.

Расмий Тошкентнинг саяё-ҳаракатлари туфайли кўп томонлама савдо-иқтисодий, саноат, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ҳамкорлик, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва бошқа соҳалардаги ўзаро шерикликни кенгайтиришда муваффақиятларга эришилмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Самарқанд декларацияси, 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган ШХТга аъзо давлатлар ўртасида Узоқ мuddатли яхши кўшничлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома-ни амалга оширишга қаратилган комплекс дастур, минтақа ичидаги савдони ривожлантириш юзасидан қўшма ҳаракатлар режаси ва бошқа тарихий муҳим ҳужжатлар лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилмоқда.

“Самарқанд руҳи” ШХТ худудининг географик асоси ҳисобланадиган Марказий Осиёда ўзаро ҳамкорликнинг янги шакллари ривожланишига ҳисса қўшади. Қолаверса, бу платформа яхши кўшничлик, дўстлик ва очиклик муҳитида минтақавий ҳамда глобал тараққиётнинг долзарб масалалари муҳокамасига янги имкониятлар яратди.

Чжан ЧЖИФЭН,
Халқаро стратегик иқтисодиёт
институти директори (Хитой):

— ШХТ Хартиясига мувофиқ, иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ШХТга раис давлат



сифатида ташкилот маконида савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича фаол саяё-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон темир йўл бошқаруви, камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича вазирлар учрашуви ҳамда экспертлар маслаҳатлашувини мунтазам ўтказиш механизмларини ишга тушириш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистон томонининг таклифи билан ШХТга аъзо давлатларнинг Худудлараро ҳамкорлигини ривожлантириш дастури, ШХТга аъзо давлатларнинг рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси ҳамда бошқа соҳавий ҳужжатлар тасдиқланди.

Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон томони раислигида транспорт вазирларининг йиғилиши, туризм идоралари раҳбарларининг учрашуви, Халқаро туризм форуми, камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро форум каби бир қатор соҳавий тадбирлар муваффақиятли ўтказилди. Энергетика вазирлари, саноат вазирлари йиғилишлари, Иқтисодий форум, Саноат инновациялари ҳафталиги, Кичик ва ўрта бизнес форуми, Саноат кооперациясини ривожлантириш форуми, Худудлар раҳбарлари форуми, Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ҳамда ШХТ Банклараро ассоциацияси кенгаши йиғилишларини ўтказиш режалаштирилган.

Айни пайтда Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ШХТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро бoғ-ликликни ривожлантириш, самарали иқтисодий ва транспорт йўлақларини яратиш бўйича Ҳамкорлик стратегияси лойиҳаси муҳокамадан ўтказилмоқда.

Унинг қабул қилиниши “Шарқ — Фарб” ва “Шимол — Жануб” йўлақларининг кенг тармоғини яратиш, энергетика, лoгистика, “яшил” ва рақамли ривожланиш соҳаларида трансчегаравий лойиҳаларни амалга оширишга ва очир-оқибат, Марказий Осиёни трансконтинентал Евроосиё коммуникациялари чорраҳасига айлантиришга хизмат қилади.

Су ЧАН,
Россия, Шарқий Европа ва Марказий
Осиё институти катта илмий ходими
(Хитой):

— Сўнгги икки йил туризм соҳаси учун ҳақиқий ойна бўлди. Шу нуқтани назардан, Ўзбекистон ШХТга раислиги доирасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани кўзонарлидир.

ШХТга аъзо давлатлар туризм идоралари раҳбарларининг жорий йил май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган йиғилиши соҳадаги мажмууд тенденцияларни муҳокама этиш, пандемиядан кейинги даврда туризм саноатини тиклаш ва янада ривожлантириш йўлидаги ўзаро ҳам-

корлик истиқболларини таҳлил қилиш имконини берди. Ўзбекистон томони бу борада конструктив фикр ва тажриба алмашиш учун майдон яратибгина қолмай, йиғилишни мазмунан бойитиш бўйича ҳам салмоқли ишларни амалга оширди.

Маълумки, 2019 йилда бўлиб ўтган Бишкек саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТ доирасида ҳар йили ташкилотга аъзо давлатларнинг шаҳарларидан бирини ШХТнинг туристик ва маданий пойтахти деб эълон қилиш амалиётини жорий этиш ташаббусини илгари сурган эди. Ўтган давр мобайнида экспертлар Ўзбекистон ташаббуси бўйича қандай фаол иш олиб бораётганига гувоҳ бўлди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг туризм идоралари раҳбарлари Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиш чоғида ушбу ҳужжатни имзолагани кўзонарлидир. Ишонамизки, мазкур ташаббуснинг амалга оширилиши шаҳарларнинг улкан сайёҳлик салоҳияти, ШХТ мамлакатлари халқларининг бой маданий ва тарихий меросини янада рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Ли ЖУЙСИ,
Россия, Шарқий Европа ва Марказий
Осиё институти тадқиқотчиси (Хитой):

— Ўзбекистон ШХТга раис давлат сифатида гуманитар шохавий тадбирлар орқали кенгайтиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Хусусан, жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган ШХТ Тошкент яриммарафони мамлакатларимиз спорт ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, чинакам байрамга айланди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ШХТ тарихида биринчи марта жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг йиғилиши ташкилотнинг гуманитар кун тартибини кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлди. Тадбир доирасида миллий спорт турларини қайта тиклаш ва оммалаштириш, аҳолини фаол ва соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш мақсадида ШХТ маконида халқаро спорт туризмини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқ дипломатиясини ривожлантириш ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ли СИНЬ,
Евроосиё тадқиқотлари институти
директори (Хитой):



— Ўзбекистон ШХТга раислик қилувчи давлат сифатида хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш борасида фаол сиёсат олиб бормоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг халқаро терроризм, диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг оқононий айланиши билан боғлиқ хатарлар даражаси ўсиши билан ортиб бораётган хавотирини инобатга олган ҳолда ШХТ фаолиятининг ушбу йўналиши алоҳида аҳамият касб этади.

Шу маънода, расмий Тошкент навбатдаги йиғилиши жорий йилнинг август ойида ташкил этилиши режалаштирилган ШХТга аъзо давлатлар ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирларининг йиғилишларини қайта тиклаш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистоннинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича Экспертлар форумини ўтказиш таклифи ниҳоятда долзарбдир.

Игор ПАНКРАТЕНКО,
Стратегик баҳолаш ва прогнозлар
маркази директори ўринбосари
(Россия):

— Тошкент ШХТга раислигида нафақат гоиларни ўртага ташлади, балки ҳар бир таклифи аниқ қўллаётган натижалар билан батафсил баён қилади. Ўзбек дипломатиясининг ўзига хос хусусияти унинг ўта аниқлиги ва Тошкент томонидан илгари сурилаётган ташаббусларнинг афзалликлари барчага тушунтиришга интилишидир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил сентябрь ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммитида сўзлаган нутқида раисликнинг устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилаб берди. Ташкилотнинг салоҳияти ва нуфузини мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш борасидаги саяё-ҳаракатларни фаоллаштириш, камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқалар шулар жумласидан.

Эндиликда маълум бўлишича, айнан озиқ-овқат хавфсизлиги биринчи ўринга чиқмоқда ва ШХТ механизмлари ушбу чақирувга муносоиб жавоб бериш учун мураккаб синовдан ўтади. Лекин Ўзбекистон Президенти ушбу соҳага эътибор қаратгани боис ШХТ бу масалани ўз вақтида қўриб чиқишни бошлади.

2022 йилда ўзбек дипломатияси ШХТ доирасида 80 дан ортиқ халқаро тадбирларни ўтказиш ва бир қатор кенг қамровли халқаро дастурларни ишлаб чиқишни режалаштирган бўлиб,

ҳозирги кунга қадар уларнинг қирққа яқини муваффақиятли ўтказилди. Савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларни яқинлаштириш, божхона тартиботларини рақамлаштириш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган минтақа ичидаги савдони ривожлантириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси, саноат кооперацияси ва инфратузилмавий ривожланиш дастурлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Тошкент туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро битим тайёрламоқда. Бу борадаги ишлар доирасида Ўзбекистон пойтахтида “ШХТ мамлакатлари ҳамкорлигининг янги босқичи: туризм ва маданий мерос” халқаро туризм форуми, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар спорт вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбирлар нафақат Самарқанддаги сентябрь саммити доирасида имзоланиши режалаштирилган аниқ келишувларни ишлаб чиқиш, балки ШХТга раислиги даврида Ўзбекистон ташаббусига кўра ҳамкорликнинг янги механизми расман ишга туширилгани билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ташкилот ичида маданий алмашинувларни кенгайтиришдаги муҳим қадам ва спорт ҳамкорлигидаги аҳамиятли воқеадир.

Дунё қизғин паллада, янги қақирқлар биринкетин юзага келмоқда. ШХТ эса барқарорлик макони бўлиб қолмоқда. Бу кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг раислиги, унинг бу борадаги фаоллиги ва масъулияти ташкилот тараққиётига янги суръат бағишлагани сабаблидир.

Меҳмет Сейфеттин ЭРОЛ,
«ANKASAM» инкироз ва сиёсий
тадқиқотлар маркази директори
(Туркия):

— Ўзбекистоннинг раислиги ШХТни замонавий халқаро муносабатлар тизимида сифат жиҳатидан янги стратегик платформага айлантириш борасида катта ҳисса қўшди. Ўзбек дипломатиясининг прагматизми, фаоллиги ва тинчликсеварлиги учинчи Ренессанс даври тамойиллари билан биргаликда “Самарқанд руҳи”ни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ўзбекистон ШХТ доирасида барча аъзо давлатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда муаммоларни янгица ёндашувлар асосида ҳал этишга қаратилган аниқ вазифаларни қўйётгани эътиборга молиқдир. Бу ўзбек дипломатияси инклюзив эканидан ёрқин далолатдир.

Афғонистон масаласи Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва унинг амалдаги раиси сифатида Ўзбекистоннинг диққат марказида. Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг конструктив формуласини биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таклиф этгани ҳам эътиборга молиқ.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон томони таклиф этётган лойиҳалар катта қизиқиш уйғотмоқда. Дунёда қўзғатилаётган кўп қирралли геосиёсий суръат, стратегик ноаниқлик ва қуларнинг номуаносиблиги шароитида Ўзбекистоннинг халқаро транспорт-логистика йўлақларини яратиш борасидаги саяё-ҳаракатлари товарлар, капитал ва хизматларнинг узлуксиз ҳаракатланиши учун муқобил коммуникацияларни ривожлантириш, Марказий Осиёни қўйлақлар йўлақлар чорраҳасига айлантириш, минтақавий ва минтақалараро товар айирбошлаш кўрсаткичларини тўбдан яхшилаш имконини беради. Ишончим комилки, Ўзбек дипломатиясининг кўп қирраллилиги, аниқ натижаларга йўналтирилганлиги янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, унинг раҳбариятининг сиёсий иродаси барча таклиф этилаётган лойиҳалар муваффақиятининг гарови бўлади.

Омид РАҲИМЎЙ,
Марказий Осиё давлатлари бўйича
эксперт (Эрон):

— Ўтган бир неча ой давомида Эроннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига тўлақонли аъзолиги тўғрисидаги битимни тайёрлаш мақсадида қўллаб-қувватлаш ва музокаралар ўтказилди. Унинг якунлари ва баъзи қўшимча ҳужжатлар тасдиқлаши натижасида Эроннинг ШХТга тўлақонли аъзо бўлиш жараёни Самарқанддаги навбатдаги саммит давомида якунланиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, тўлақонли аъзолиги таъминлаш жараёнида мезбон ва раислик қилувчи давлат — Ўзбекистоннинг



ҳамкорлиги ва фаол қўллаб-қувватлаши жуда муҳим ўрин тутди.

Умуман олганда, Ўзбекистон ШХТга раислик каби шарафли вазифани ўз зиммасига олар экан, ташкилот фаолияти самарадорлиги ва фаоллигини қучайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Таҳдидлар ва хавф-хатарларга қарши курашиш, минтақада барқарор сиёсий, инсоний ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш учун янги ўфқлар очилмоқда.

Худди шундай тенденция Ўзбекистон раислик қилаётган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига ҳам қўзғатилмоқда.

Ли Кёнг ШИҚ,
«The Korea Post» журнали президенти
(Корея Республикаси):



— Ўзбекистон ташқи сиёсий мақсадларига эришиш учун замонавий халқаро муносабатларда кўп томонлама дипломатиянинг кенг имкониятларидан самарали фойдаланмоқда. Ана шундай дипломатик платформалардан бири Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бўлиб, унинг таъсисчиларидан бири Ўзбекистон Республикасидир.

Мамлакатнинг ШХТга раислиги доирасидаги барча тадбирлар юқори ташкилий ва мазмуний савияда ўтмоқда. Ўзбекистон вакиллари сиёсий, дипломатик, транспорт-коммуникация, энергетика, маданият, туризм ва бошқа соҳаларда конструктивлик, прагматизм ва ташаббускорлик каби тамойиллар асосида алоқаларни йўлга қўйиш бўйича барча манфаатдор томонлар билан фаол иш олиб бормоқда.

Рой Энтони РОЖЕРС,
Малайя университетини профессори
(Малайзия):

— ШХТга раислик жиддий сиёсий жараён бўлиб, айниқса, жаҳонда юзага келаётган мураккаб геосиёсий ва иқтисодий вазият шароитида ўзбек дипломатияси зиммасига катта масъулият юқлайди. Мамлакат ушбу вазифани муваффақиятли бажараётгани кўзонарлидир.

Сўнгги беш йил Ўзбекистоннинг ШХТ билан муносабатларида мисли қўрилмаган юксалиш даври бўлди. ШХТ оиласи Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташкилот саммитлари чоғида илгари сурган ташаббусларини катта қизиқиш билан қабул қилди ва қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёда муваффақиятли уддаланаётган давлатлараро муносабатларни янгиллаш бўйича минтақавий стратегияни аллақачон кенгрок миқёсда — ШХТ доирасида фаол илгари сураётгани кўзонарлидир. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг Узоқ мuddатли яхши кўшничлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича расмий Тошкент таклифи билан ҳозирда ишлаб чиқи-лаётган комплекс режа бунинг далилидир.

Муҳаммад ал-ФИЛИ,
Кувейт университетини профессори
(Кувейт):



— Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида халқаро институтлар доирасида прагматик ва конструктив ташқи сиёсат олиб бормоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раисликни қабул қилган Ўзбекистон хавфсизлигининг янги таҳдидларига қарши курашишда ўз салоҳиятини юксалтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширяпти.

Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, ушбу давлатга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, мамлакат террорчилик таҳдидлари манбаига айлан-шининг олдини олиш бўйича қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон маданий-гуманитар йўналиши фаол ривожлантириб, ШХТни давлатларнинг миллий аънаваларига ҳурмат, бағрикенглик ва маданиятларни қўқурлаштиришга қаратилган манбаига айлан-шининг олдини олиш бўйича қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Магди Муҳаммад Мурсий Али ЗАЪБАЛ,
Миср — Ўзбекистон дўстлик жамияти
раиси:

— Ўзбекистон ШХТга раислик доирасида савдо-иқтисодий, саноат ва инвестициявий ҳамкорликни чўқурлаштириш, камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, юқори технологиялар, инновациялар, маданият - гуманитар соғлиқни сақлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштириш каби қатор муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Халқаро майдондаги беқарорлик, тиббиёт соҳасидаги жаҳон инкирози, бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиши Ўзбекистоннинг таклиф ва ташаббусларининг долзарблигидан далолат беради.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг фаол ва очик ташқи сиёсати туфайли Самарқандда бўлиб ўтадиган ШХТ саммити доирасида кенг минтақани барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий алоқаларни чўқурлаштиришга қаратилган муҳим қарор ва ҳужжатлар қабул қилинади.

Владимир МЕСАМЕД,
Иброний университетини Осиё ва
Африка тадқиқотлари институти
профессори (Исроил):

— Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги турли соҳаларда ўзини етакчи давлат сифатида эълон қилиш учун яна бир имкониятдир. Шуни ёдда тутиш керакки, ШХТ ўзи-



нинг географик қўсаткичлари бўйича дунё аҳолисининг 40 фоиздан ортиғи истиқомат қилувчи мамлакатларни бирлаштирган энг йирик халқаро тузилма ҳисобланади. Албатта, бундай ташкилотга раислик қилиш жуда шарафли ва масъулиятлидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ўзининг бой маданий ва тарихий меросини тарғиб қилиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганига эътибор қаратмоқчиман. Бу ШХТнинг туризм ва маданий мерос соҳасидаги ҳамкорлигининг янги босқичидаги вазифаларга узвий мос келади. Зеро, туризм ва маданий мерос бир-бирини тўлдирди. Қолаверса, республика жаҳон архитектура ва археология дурдоналари хазинаси ҳисобланади.

Ги Оливье ФОР,
Сорбонна университетини профессори
(Франция):

— Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодий ёндашувга устувор аҳамият қаратиб, ШХТни жонлантirmoқда, фаолият қўламини кенгайтирмоқда, келажакка истиқболлар очмоқда, десак, муболага бўлмайди. Энергетика, АКТ ва “яшил ривожланиш” соҳасидаги трансчегаравий лойиҳалар фаол илгари сурилмоқда.

Янги транспорт йўлақлари, жумладан, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини барпо этиш Марказий Осиёнинг денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлатларининг портларга чиқишини таъминлайди ва шу орқали минтақавий ҳамда минтақалараро савдо-иқтисодий фаолликни оsonлаштиради. “Аср лойиҳаси” деб ном олган ушбу йўналиш ШХТнинг барча мамлакатлари учун катта фойда келтириши мумкин.

Нина ЛИНДЕ,
Иқтисодиёт институти директори
(Латвия):



— Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорлиги нафақат Тошкент, балки бутун макроминтақа учун алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон томони ШХТ раиси сифатида ташкилотнинг

ҳалқаро майдондаги нуфузини ошириш, ташкилот кун тартибидаги барча масалалар бўйича алоқаларни фаоллаштириш ҳамда ҳамкорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга қаратилган тегишли ғоя ва концепцияларни илгари сурмоқда.

Масалан, расмий Тошкентнинг транспорт, ўзаро бoғлиқлик ва лoгистика, инновацион ҳамда рақамли ривожланиш, маданий ва халқ дипломатияси каби муҳим соҳалардаги ҳамкорликни амалий жиҳатдан ривожлантириш учун ШХТнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиш зарурлиги ҳақидаги ташаббуслари менда катта таассурот қолдирди.

Антонио АЛОНСО,
Гуманитар тадқиқотлар институти
юридик факультети профессори
(Испания):

— Ўзбекистоннинг сўнгги пайтларда минтақавий жараёнлар ва ташаббусларда иштироки мисолида, хусусан, ШХТга раислик қилаётган давлат сифатида намоён бўлаётган мослашувчан, прагматик ва оқилона ташқи сиёсати, шубҳасиз, мамлакат нуфузи ошишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг жорий раислиги ШХТ фаолиятини янги мазмун билан бойитди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббус ва таклифлар ташкилотнинг мустаҳкамланиши ва ривожланишига мутолло янги суръат бағишлади.

Ўзбекистон сўнгги йилларда турли даражадаги вазирлик ва идоралар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари механизмининг ишга тушириш ташаббуси билан чиқди, шунингдек, ШХТ Иқтисодий форумини ўтказиш, Тошкентда Халқ дипломатияси маркази ва Самарқандда “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетини очиш каби, назаримда, долзарб ташаббусларни илгари сурди. Бундан ташқари, ШХТнинг туристик ва маданий пойтахтини ҳар йили эълон қилиш амалиёти жорий этилди.

Сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган ШХТ саммити халқаро сиёсатнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш, минтақавий ва глобал муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун ноёб имкониятлардан бири бўлади. Муболагасиз айтишим мумкинки, Самарқанд дунёнинг энг йирик давлатлари раҳбарларини жамлаган ҳолда Осиёнинг сиёсий пойтахтига айланади.

Ташқи ишлар вазирлиги
Матбуот хизмати.

ВАТАН МЕҲРИ – ЮТУҚЛАР ПОЙДЕВОРИ



Хаётда шундай инсонлар борки, уларнинг сабр-тоқати, матонати, жасоратига қойил қолмай иложингиз йўқ. Бошига тушган қутилмаган мусибат ёки авлоддан авлодга ўтиб келаётган ирсий касалликлар туфайли жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, уларни энгиб ўтиб, олға интиладиган, ён-атрофга, дунёга муҳаббат билан қарайдиган, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қиладиган бундай кишилардан ҳар қанча ибрат олсак арзийди.

Бинобарин, улар кўз ёш тўкиб ёки кимгадир ялиниб, тақдирига чора изламайди. Балки ҳаётнинг жўшқин оқимидан

Инсон қадри улуғланган юрт

Катта жасорат ва қаҳрамонлик намунаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 майдаги “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши соҳанинг тизимли ривож топиши, бу борада амалга оширилаётган давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқди.

Бундай юксак гамхўрликнинг амалий самараларини спортчиларимизнинг “Токио — 2020” Паралимпия ўйинларида кўлга киритган ёрқин галабалари яққол исботлаб турибди. Ана шу нуфузли мусобақада юксак матонат ва маҳорат кўрсатган паралимпиячиларимиз 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалини кўлга киритди. Шу тарика терма жамоамиз 160 дан зиёд давлатлар ўртасида ўн олтинчи, Осиё қитъаси ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида тўртинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўринни эгаллагани халқимизга чексиз фخر ва ифтихор туйғуларини бахш этди.

Спортчиларимизнинг катта тантана билан кутиб олиниши, “Янги Ўзбекистон” мажмуасида ташкил этилган тантанали маросим, Президентимизнинг XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар, уларнинг ота-оналари билан учрашуви — буларнинг барчаси спортчиларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг амалдаги яна бир исботи бўлди. Тантанали маросимда Паралимпия ўйинлари иштирокчилари, голиб ва совриндорлари, уларнинг ота-оналари самимий муборакбод этилди, спортчиларимизга Президент савгалари — автомобиллар, уйлар ва пул муқофотлари тантанали равишда топширилди. Давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, Токио шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳига фахрий унвонлар, орден ва медаллар тантанали равишда тақдим этилди.



Айнан шу учрашувда жисмоний имконияти чекланган ҳамюртларимизни спортга кенг жалб этиш, иқтидорли ёшларни тарбиялаш, хориждан таҳрибали мутахассис ва мураббийлар жалб қилиш, спорт таълими масканларида паралимпия бўйича бўлимлар ташкил этиш, махсус ўқув дастурлари ва методика жорий қилиш, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси таркибида “Матонат мактаби”ни очиш тақлифи илгари сурилган эди.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 6 июнь кун имзоланган “Паралимпиячиларнинг матонат мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур тизимда амалга оширилаётган изчил сайё-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатда мамлакатимиз довуғини дунёга танитиш борасида кўлга киритилган ютуқлар, паралимпиячиларнинг ибратли ҳаёт тарзини тарғиб қилиш орқали мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини юксалтириш, ёшларни параспорт турларига кенг жалб қилиш, паралимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалиётга босқичма-босқич татбиқ этишининг асосий мезонлари белгилаб берилган. Ҳужжат билан навқирон авлод, хусусан, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўлга киритган ютуқлари, уларнинг ибратли ҳаёт тарзини тарғиб қилиш соҳасида Паралимпиячилар матонат мактабининг асосий вазифалари белгиланди.

Хусусан, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ҳамда маҳаллаларда ёшлар билан учрашувлар ташкил этиб, паралимпиячиларнинг ўз ҳаёт йўлларида қийинчиликларни қандай энгиб ўтганликлари ҳақида суҳбатлар ўтказиш доимий анъанага айланди. Бундай хатти-ҳаракатлар ёшларда ҳалоллик, ватанпарварлик, садоқат, миллий гуруҳ туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Айни жараёнда жисмо-

ний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, ёшлар ҳаётининг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат органлари ҳамда ташкилотларига тақлиф ва тавсиялар киритиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ҳаётини ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида ёшларнинг қалби ва онгига сингдириб бориш, шу мақсадда илмий-амалий анжуманлар, китобхонлик кечалари, машхур кишилар билан учрашувлар ташкил этиш зарур.

Матонатли спортчиларимиз — фахримиз

Ўсиб келаётган ёш авлодни паралимпия спорт турларига жалб этиш, уларни “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” гоёси атрофида бирлаштириш-



га қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. Иқтидорли ёшларни таллаб олиш, уларни параспорт турларига йўналтириш ҳамда маънан ва руҳан кўллаб-қувватлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларини рағбатлантириш чоралари қўрилади. Маҳоратли ёшларнинг халқаро параспорт тадбирлари ва мусобақалари, форум ҳамда конференциялардаги иштирокини таъминлашга кўмаклашилади.

Матонат мактаби Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ҳузурида юридик шахс маконига эга бўлмаган ҳолда ташкил қилинади. Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши Паралимпиячиларнинг матонат мактаби фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши сифатида қайта номланиб, унинг ангиланган таркиби тасдиқланди.

Матонат мактабининг ёшлар, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўлга киритган ютуқлари, уларнинг ибратли ҳаёт тарзини тарғиб қилиш йўналишидаги фаолияти Мудофаа вазирлиги, унинг ёшларни параспорт турларига кенг жалб қилиш

четда эмасликларини энгилмас куч ва иродалари билан исботлайди.

Алқисса, юртимиз паралимпиячилари фаолиятига шундай гўзал иштибоҳ худди узукка кўз қўйгандай ярашқли. Чунки улар юртимиз довуғини кўкларга кўтаришга қодирлигини яна бир қарра мардона намоён этди. Зеро, мамлакатимизда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш мақсадида бевосита давлатимиз раҳбари томонидан юксак эътибор кўрсатилаётгани замирида ҳам юртимизда ҳар бир инсоннинг қадри улуғ эканидан далолатдир.

бўйича ишлари Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

Янги тартиб асосида ҳар йили 1 декабрга қадар Паралимпиячиларнинг матонат мактаби фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши таркибига киритилган вазирлик, идора, ҳокимликлар ва жамоат ташкилотлари тегишли намуна бўйича ишлаб чиқилган, келгуси йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасига тақдим этади.

Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси Мудофаа, Спортни ривожлантириш вазирликлари билан биргаликда чора-тадбирлар режаларини Матонат мактабининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда умумлаштиради ҳамда комплекс режа лойиҳасини тайёрлайди.

Миллий гвардия томонидан эса паралимпиячиларнинг “Темурбеклар мактаблари”, олий ҳарбий таълим муассасалари,

Тегишли мута-садди вазирликлар томонидан пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий кўчасида жойлашган пиёдалар юриш ва дам олиш масканида Паралимпиячилар боғи барпо этилади. Тошкент метрополитенининг янги қурилаётган бекатларидан бирига “Паралимпия ҳаракати” номи берилади. 2023 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба Тошкент шаҳрида “Паралимпиячилар матонати” халқаро форумини ўтказиш кўзда тутилаётгани янада қувонarliдир.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси зиммасига мазкур чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали ташкил қилиш вазифаси юкланди.

Катта ибрат мактаби ва ҳаёт сабоғи

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Шу юртда яшаётган ҳар бир фуқароннинг миллати, дини, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланаётир. Бу жараёнда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиш ва интилишига мос касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланишини таъминлаш доимий эътиборда.

“Паралимпиячиларнинг матонат мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга кўра, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тизимида 2022/2023 ўқув йили бошланишига қадар ривожланишининг турли имкониятларига эга бўлган ўқувчи ва талабалар учун ҳар қандай камситилишни истисно қиладиган, барча ўқувчи ва талабаларга тенг муносабатда бўлишни таъминлайдиган ягона мослаштирилган ижтимоий муҳит яратилади. Ўз навбатида, Маданият вазирлиги билан биргаликда ўқувчи ва талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида улар-

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда Паралимпия ҳаракатининг кенг қулоч ёзиши туфайли имконияти чекланган, ногиронлиги бор шахсларни бугунги кун талаби ва эҳтиёжи бўйича ривожлантиришнинг ҳуқуқий ҳамда иқтисодий асослари яратилди.

Паралимпиячиларимизнинг оламшумул галабалари юртимизда ҳеч қим эътибордан четда эмаслигини, имконияти чекланган, ногиронлиги бор шахслар тақдир синовларини ўз бардошу матонати билан энгиб ўтишга қодирлигини яққол кўрсатмоқда. Бу унибўсиб келаётган ёш авлод учун катта ибрат мактаби ва ҳаёт сабоғи бўлди, десак, сира муболага эмас. Зеро, бундай жўшқин ҳаракат ва беқиёс галабалар Президентимиз томонидан олиб борилаётган ҳаётини ислохотларнинг бош мазмун-моҳияти — “Инсон қадри учун” эзгу гоёсига ҳамоханлиги билан аҳамиятлидир. Бунга жавобан, Ўзбекистон спортчилари бундан кейинги Паралимпия ўйинларида ҳам ўз маҳорати, матонати, жасоратини тўла намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишда давом этаверади, нуфузли мусобақалардаги галабаларимиз бардавом бўлади.

Мухторхон ТОШХҲАЕВ,
Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Бугунги кунда мамлакатимизда “Инсон — жамият — давлат” принципи асосланиб, Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан кенг қўлмали ишлар олиб бориляпти.



Анжуман

“Ипотека-банк” АТИБ бош офисида “Янги Ўзбекистон Конституцияси — инсон қадри ва халқ манфаатлари учун” мавзuida кенгайтирилган давра суҳбати ўтказилди. Унда Тошкент давлат юридик университети про-

фессори, юридик фанлар доктори Ихтиёр Беков, шунингдек, бош офис ҳамда филиаллар ходимлари “ZOOM” платформаси орқали қатнашди.

“Ипотека-банк” АТИБнинг юридик департамент директори, банк бошқаруви аъзоси Ҳумоюн Муродов

конституциявий ислохотларнинг бугунги кундаги аҳамияти ва ўрни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалалари бўйича атрофлича тушунириш берди.

ТДЮУ профессори, юридик фанлар доктор Ихтиёр Беков Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти ҳақида тўхталди. Умумхалқ муҳокамаларидан сўнг қонун лойиҳаси такомиллаштирилгани ҳолда, янада пухта-пишиқ ва ҳаётини қомус яратилишини таъкидлади.

Муҳокама давомида иштирокчилар саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Банк ахборот хизмати.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 533 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.



МАҲАЛЛА РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ПГС корхонаси энергия тежовчи, экологик тоза, керамик иситиш элементларида сертификатланган электр сауналарини ҳамда ҳаммомлар учун ускуналар, шунингдек, автоматик иситиш ва автоматик сув таъминоти билан душ кабиналарини тақдим этади.

Барча жиҳозлар 12 ойлик иш вақти кафолатига эга бўлиб, 5 йиллик бепул хизмат кўрсатилади.

Махсулот сертификатланган. Тел.: 71-279-38-54, 71-279-25-23, 95-169-78-51



www.pgss.uz

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 533 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаххич — Ш. Маираббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6